

с 84(29)
1746

МУҲАММАД ПИРРИЕВ

АЁЗЛИ БАҲОР



Книга де
возвраща
указанной

Количество п
выдан



утказилди
19 07.2006 йил
асосан

Иддикова Г.Т.

Абдуллаев

С.М.О.

Сывак О.П.

А.С.Б.

Акбарова Д.А.

У.М.

Рахмонбердие

А.С.

Асанова И.Н

П.П.

Пирожкова

А.А.


Абдуллаев

Т. 2. 3. 584—1000000—90 г.

МУҲАММАД ПИРРИЕВ

АЁЗЛИ БАҲОР

Қисса,
Ҳажвий ҳикоялар ва
ривоятлар



Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси
1991

У32
П 46

П 4702620201—64
М 352(04) — 91 19—91

© М. Пирриев, 1991 й.

ISBN 5—635—00662—0

АЁЗЛИ БАҲОР

Қисса

БИРИНЧИ НАВБАТЧИЛИК

Саксон учинчи йилнинг баҳори бирмунча аёзли келди. Ҳамалнинг ўрталарида ёккан қирриқ қор дов-дарахтларнинг баргларини қовжиратиб, эндигина чумчуқтили бўлган довуччаларни кийратиб кетди.

Қўпни кўрган қарияларнинг айтишларига қараганда, минг тўққиз юз эллик учинчи йилнинг баҳори худди ана шундай оғир келган экан...

Тунги навбатчилиқни қабул қилиб олдим-да, бўлмадаги беморлардан ҳол-аҳвол сўраб, дарди оғирларига буюрилган дори-дармонларни ҳамширалар улашган-улашмаганини аниқлашга тушдим. Элбурутдан чўян печкалари кўчириб ташланган палаталар совуқ, ким электр иситкич улаган, ким уйидан келтирилган иссиқ кийим-бошга ўраниб-чирманиб олган... «Соғ киши — мен дилдираб турибману ҳалиям шуларнинг жонига тўзим берсин», дейман ичимда. Начора...

Эндигина оғир беморларнинг «касаллик тарихи»га кундалик ёзиш учун шайланганимда навбатчи ҳамшира шошилиш келиб, бўлимга оғир бемор тушганлигини хабар қилди. Одатимга кўра қон ўлчагични қўлтиғимга қисиб, эшитгични бўйнимга илдим-да, ҳамшира изидан югурдим. Беморнинг ранги заҳил, нафас олиши қийинлигидан бўлса керак, қурукшаган лаблари гезариб, нилий тусга кирган, вужудини совуқ тер босганидан кийим-боши шилта ҳўл бўлиб кетган эди. Уни алоҳида палатага ётқизиб, керакли дори-дармонларни беришда ҳамширага ёрдамлашдим-да, ёнидан жилмай кўз-қулок бўлиб турдим. Ярим соатлардан сўнг у ўзини сал енгил ҳис қилиб, кўзини очди. Унинг кўнглига тасалли берадиган бир-икки оғиз илиқ сўз айтдиму «туфалакхона»мизга қайтиб, шалағи чиққан диванга чўзилдим. Навбатчи дўхтирларга мўлжалланган шу кўримсиз хонани «туфалакхона» деб атаيمиз...

Болаликда бекинмачоқ ўйнардик. Деворга ёки ерга супранинг юзидай айлана чизилади. У «туфалакхона» деб

аталади. Ўйинбоши «аттим-баттим» айтади: «Аттим-баттим, кўку-латтим, мушкул-куш, назал — чиқ!» «Чиқ» сўзи кимга тўғри келса, ўша бола даврадан четга чиқиб туради. Бу санок ўйиннинг охириги иштирокчиси қолгунча давом қилади. Охирида қолган бола пойлоқчилик қилиб, бошқалар дуч келган пана-пасқамга бекинади. Бекинган болалар пойлоқчининг кўзини шамғалат қилиб, биринкетин ўша айланага пусиб келиб туфлаши шарт. Мабодо пойлоқчи олдинроқ кўриб «аттим-баттим» деса, ўша бола ютқазган ҳисобланиб, ўз навбатида пойлоқчиликда туради. Баъзида пойлоқчи билан «туфалакхона»га келган ўйин иштирокчиси дов талашиб жиққамушт бўлиб қолар, шунда ўйинбоши уларни қасамга қистарди. Қим: «Нон урсин, мен олдин кўрдим ёки мен олдин туфладим» деб қасам ичса, ўшанинг сўзи инobatга олиниб, ўйин давом этарди. Ёлғон қасам ичишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди, чунки фирроми сезилиб қолса, у ўйиндан бутунлай чиқариб ташланар, бўйнига «қасамхўр» деган тавқи лаънат тақиларди...

Бўлимимиз ички касалликларга мўлжаллангани учун беморларнинг аксарияти сурункали дардга чалинган одамлар эди. Уларнинг кўпчилиги йил давомида бир неча ойлаб, гоҳилари такрор-такрор ётишади. Шу туфайли уларнинг шахсий ҳаёти хешу ақраболаримизники сингари таниш бўлиб кетган.

Бир оздан кейин яна боя тушган бемор ёнига кирдим. Эгнига унниққан гулдор чит чопон кийган рангпар келинчак унга пиёладан шўрва ичираётган экан. Аёл мени кўриб, ҳуркак кийикдай ўзини чеккага олди-да, ийманиб, «ассалом», деди. Саломга алик қайтариб, беморнинг рўпарасидаги курсига ўтирдим. Шошилинич муолажа ўз таъсирини кўрсатган чамаси, бемор мени хиёл кулимсираб қаршилади. Бу — яхшилик аломати эди. Беморнинг ихлоси қанчалик баланд бўлса, у дардидан шунчалик тез фориғ бўлади. Ихлос — халос, деб бекорга айтилмаган. Абу Али ибн Сино ҳам: «Биз — учовлонмиз: мен, сен ва касаллик, агар сен мен томонда бўлсанг, касалликни осон енгамиз, мабодо сен касаллик томонга ўтсанг, бизнинг уни енгишимиз мушкул бўлади»,— деган экан. Айтарлик жиддий дарди бўлмаган беморларнинг ваҳима туфайли оғир аҳволга тушганини ҳам, аксинча, ишончу ихлос орқасидан узилаётган кишиларнинг тузалиб кетганини ҳам кўп кўрганман.

Беморнинг томир уришини санаб, қон босимини ўлчадим. Эшитгични қулоғимдан оларканман:

— Қалай энди, укам? — деб сўрадим.

— Анча тузуклар, — дея бемор ўрнига шошилиб жавоб килди хотини.

— Ҳай, яхши. Исмлари нима эди?

— Хидиржон, — деди тағин келинчак рўмолининг учини оҳиста тишлаб.

— Биратўла Хизир деяверинг, — мутойиба қилдим. Бемор майин жилмайди. Бу сафар унинг ўзидан сўрадим. Ахир, беморнинг гаплашиш тарзи унинг ҳолатини ойдинлаштиради-да. — Неча ёшдасиз?

— Ўттиз бешда, ака, — деди аранг шивирлаб бемор.

Жимиб қолдим. Ўттиз йилнинг шифокори бўлатуриб, нақ беш йилга адашибман! Ўзимча, қирққа кирган бўлса керак, дея тахмин қилгандим. Одатим шунақа, аввалига ўзим бир нимани тахмин қиламан-да, сўнгра ҳақиқий натижаси билан солиштириб кўраман. Қасб тақозоси бўлса керак, ёш аниқлашда бир-икки йилдан нарисига адашмаганман. Бу гал эса...

Бемор кўзларининг оқи билинар-билинмас сарғайиб, пайпаслаб кўрганда жигарнинг чети қобирға ёйи остидан уч-тўрт энлик бўртиб чиққани, жигарида, ўт йўлларида сурункали дарди борлигидан далолат бериб турибди. Қачонлардир сарик касалини бошидан кечирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас... Тахминим тўғри бўлиб чиқди. Хидир бундан анча олдин сарик касалига гирифтор бўлган экан. Гап орасида унинг ҳаёт йўлини, турмуш тарзини суриштирдим.

Хидир анча ширинсухан йигит чиқиб қолди. Унинг дармонсизлигини ҳисобга олиб, парвариш учун хотинига бир-икки кун ёнида қолишга рухсат бериб, палатадан чиқдим. Хидир билан янаги сафар бафуржа гурунглашишни кўнгилга тугиб, навбатчилар хонасига қайтдим.

ИККИНЧИ НАВБАТЧИЛИК

—...Шундай қилиб десангиз, дўхтир ака, аскарликдан қайтиб келганимдан сўнгра бошга рўзгорнинг ола хуржун илинди. Аравакаш отамнинг топгани нима бўларди дейсиз? Саккиз бош қорақўз нон қавшайдиган рўзгорнинг чилимига унча-бунча даромад пилик бўлмайди. Нолишни ёқтирмайдиган, ҳар кўргиликка шукр деб юрадиган сабрбардошли отам ўқтин-ўқтин, йиллигим жуллигимга етмади дея ўксиниб кўярди. Қолхозга кириб ишлай десам, даромаднинг тайини йўқ, бошқа бирор ишнинг бошини

тутай десам — кўлим беҳунар. Алқисса, бошига урилган илондай гарангсиб қолдим. Ана шунақа сарак-сарак бўлиб юрган кезларимда, кўшни колхоз гаражида тракторчилар курси очилармиш, деган гапни эшитиб қолдим. Таваккал қилиб, ўша курсга ҳужжатларни топширдим. Ўқишман деганини номигагина, кўл учида ўтказдик. Биров келдингми-кетдингми демайди. Валекин ҳар ойига бир-икки маротаба кўриниб, олмаган стипендияга имзо қўйиб қайтиш шарт. Хиралик қилсангиз, у-бу баҳона, талабалар рўйхатидан ўчиб кетасиз. Э-э, нимасини сўрайсиз, дўхтиржон ака, ўн икки маротаба ана шунақа кунгирадор имзо чекканимдан сўнг, кўлимга шапалоқдай ҳужжат олдим. Чамбарак ушлашни бўлса, кишлоғимиздаги Қилич тракторчидан чала-чулпа ўрганиб олдим.

Ҳужжат кўлга текканидан сўнг колхозимизнинг казозоларига бориб учрадим. Бахтимнинг сўқирлигини қарангки, бутун бошли колхозда мен учун бирор ташландик трактор топилмади. Ғилдираги айланиб турса бас, у ёғини ўзим бир амаллаб нари-бери тузатиб олардим. Насиб демаган эканмиз чоғи, менга шунақаси ҳам тегмади. «Тез-тез келиб хабар олиб тур, бирортаси ўлиб-нетиб ёки ногирон бўлиб қолса, ўшанинг тракторини сенга олиб берамиз», — дейишди калака қилиб. Нияти совуқларнинг гапини қаранг, бировнинг оёқ чўзишини ёки кўтарим бўлиб тўшакка михланишини кеча-кундуз худодан илтижо қилиб оғзимни очи-иб ётишим керак эмиш. Ул-булдан суриштирсам, янги тракторнинг «бир тагалак» шапкаси бор эмиш.

«Бир тагалак» дегани бир минг сўм дегани экан. Бир минг сўм у ёқда турсин — бир дона битим ҳам йўқ эди шу топда. Танг аҳволда қолдим. Бу яқин орада трактор ололмаслигимга кўзим етди...

Ана шунақа тушкунликка тушиб юрган кезларимда, йўлларнинг четидаги дов-дарахтларни дорилаш учун колхозимизга уч-тўртта кўшқоринли трактор келди. Бахтимга, улардан бирининг ҳайдовчиси мен билан армия хизматида бирга бўлган Комил деган йигит экан. Ўшанинг кистови билан мен иложсиз уйимдан ўн чақиримча нарида — туман марказида жойлашган ўсимликларни ҳимоя қилиш идорасига ишга кирадиган бўлдим.

Айни мавсуми эканми ёки харидори йўғаканми, менга-ям шарти кетиб, парти қолган бир трактор тегди. Танга топган кўрдай суюнганимни кўрсангиз! Худодан истаб юрганмасманми, шу-шу ишга шўнғиб кетдим.

Ўшанда, хут ойи эди чамаси, дов-дарахтлар ҳали кўз-

галиб куртак ёзмаган кезлар, аввалига далалар четидаги куриб-ковжираган ўт-ўланларга, йўлларнинг ёқасидаги дов-дарахтларга, тутзорларга кананинг қонидай қизғиш қўланса дори билан обдон ишлов бердик. Ўзингиз неча бор кўргансиз уни, оти «Нитрон».

Хар куни эрталаб тракторимни шайлайману икки пуд захар солинган тунука қутидан тўрттасини кўтак аравага ортиб, айтилган жойга етиб бораман. Бир қутисини тракторнинг иккала бочкасига чўттан-барака бўлиб соламан-да, кейин ўша дори қути билан ҳар бочкага ўнтадан сув қуюман. Иш тугагандан сўнгра, бўшаган қутиларни зовурларга итқитамиз. Идорада шунақа «кўрсатма» беришган. Э-э, нимасини сўрайсиз, захарнинг қўланса ҳиди димокни ёрай дейди, теккан жойини бўлса хино қўйгандай қип-қизартириб юборди. Ана бу доғлар ўша қора кунлардан эсдалик бўлиб қолган, дўхтир ака!!!

Хидир бегона назардан яширишга тиришадиган қўлларининг енгини билагигача тортди-да, тиззаларининг устига қўйди. Унинг панжа оралари, билак атрофлари песникидай олачипор доғ бўлиб қолган экан, қўл олиб кўришишдан ўзини тийиб, қимтиниб юришининг фаҳмига энди етдим.

— Ана шу меҳнаткаш, қадок қўлларимдаги доғлар туфайли қизлар мендан жирканиб, бир кам ўттиз ёшгача уйланомай юрдим. Келинингизга совчи юборганимизда кўпчилик уни йўлдан урмоқчи бўлган. Лекин, аҳдида қатъий турди боякиш. Кўплаб дўстларим, таниш-билишларим ижирғаниб, ўзларини мендан олиб қочадиган бўлишди...

Алқисса, уч-тўрт ой хафсала билан ишладим. Бир томондан айтгани тил уялмайдиган маош, қолаверса колхозда тушга ҳам кирмайдиган бинойидек трактор. Баҳор кезлари чанг ютгични тақиб ишлардим, кейинчалик кунлар исиб кетди-ю, уни тақишнинг иложи бўлмади. Шундоқ ҳам нафас қайтади-ку, уни тақсанг кўзинг хонасидан чиқаман дейди. Хўжакўрсинга кабина бурчагига илиб қўядиган бўлдим. Техника хавфсизлигига риоя қиламанми — қиламан, ҳимоя воситам борми — бор! Бир хаёлим, э бор-э, дея ишни бошимдан соқит қилиб кетмоқчи бўлдим, мўмай туширимни ҳе-еч кўзим қиймади, бора-бора барисига кўникиб кетдим. Одам боласи ҳар кўргиликка кўникаркан, дўхтир ака. Аслида бу касофат касбни ўша кезлари ташлаб кетсам бўларкан, ана энди захмини тортиб ётибман...

—...Экиш арафасида бегона ўтларга қирон келтирадиган «Қоторан» билан далаларга ишлов бериш бошланди. Менга ажратилган хорижий бочкалар шунақанги жимжимадор ракамлар, белгилар билан безатилган эдики, кўриб кишининг ҳаваси келарди. Ичидаги химикати ундан зўр, кўрсангиз нақ олий навли ун дейсиз. «Қоторан» дегани ҳали янгилик бўлиб, бор-йўғи иккинчи йил ишлатилиши эди. Қишлоғимиздаги баъзи хонадонларда доридан бўшаган бундай бочкаларни кўзим чалган, биров унда лампа мойи ёки пат-патисига бензин сақласа, биров сичқон тегмасин дея ун, ем ёки бошқа дон-дун асрайди. Бу ихчам бочкаларнинг бир томони тўлалигича қопқоқ бўлиб, рўзгор юмушларига жуда ўнғай, энди очиғини айтсам, имкони келиб қолса бир-иккитасини тўрт-беш сўм пул харжлаб бўлса-да, қўлга киритишни кўнглимга тугиб қўйган эдим.

Ишни охирлатиб, тагида ярим челакача ўша олий навли унга ўхшаш дориси қолган жимжимадор бочкани уйга олиб кетдим. Матоҳ текин тушганидан оғзим қулоғимда. «Бунга ун соламан, янаги сафаргиларига моллар учун ем, дон-дун деганларидай... Кейинги бўшаганларидан тўрт-бештасини пулласам ҳам бўлаверади. Чойчақа ишламай-диган ким қолибди ҳозирги замонда...»

Хў-ўп ғаройиб одатлари бор-да одамзоднинг, ўтириб-ўтириб кулгинг қистайди кишининг. Бир умрга кераксизлигини билиб турсанг ҳам, асқотиб қолар деган ҳаёлда нимаики қўлингга тушса уйингга ташмалаганинг-ташмалаган. Ёшлик кезлари бобом раҳматлик эски-туски ташландиқ нарсаларни хандакқа итқитиб кел дея қўлимга тутқазардилар. Эрта-индин қарасам, ўша алмисокдан қолган кераксиз буюмларни ахтариб топиб, уйга келтираётган бўлардилар. Одатларига бемаврид кулган эканман чамаси, бу одат ўзимгаям мерос ўтган кўринади. Ҳали олти ой тракторчи бўлиб ишламасимдан, ҳовли-ҳарам теграсида турли хил темир-терсак, анқиб ётган доридармондан бўшаган қути ва бочкалар айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бир қақирим наридан ўтган-қайтган йўловчи-ям бурнини жийириб, ана, Хидир тракторчининг уйи ўша томонда, дея адашмай кўрсатади...

Бошқа ишларга ангал бўлиб, ҳалиги тагида бир челакача дориси қолган бочка бутунлай хотиримдан кўтарилибди. Эртасига ишдан қайтсам, томорқадаги тиззага урай деб қолган йўнғичқа ўтнинг ранги чангса кўринади. Кўнг-

лим алланимани сезгандай бўлиб, юрагим «шиғ» этиб таг тортиб кетди, сабил. Суриштирсам, соддадил дадам раҳматлик беданинг баргини окпалак қиладиган чиркайга қарши ҳалиги которанни бургадори хаёл қилиб, йўнғичкага сепиб юборибди. Эртасига отиздаги ўтўлан қовжираб қолди, ҳафта-ўн кун ўтмай атрофдаги дов-дарахтлар барг ташлади. Шу-шу, уч-тўрт йилгача томорқамизда ақалли ажрик ҳам кўкармади...

Хидир бир зум сукутга ботди, сўнгра афсусланиб, оҳиста қўшиб қўйди:

— Биз-ку, гўллимиздан дов-дарахтларни куридик, колхоз раиси Шойим қийтол боғларни пайхон қилдириб кў-ўп қарғиш олди-да, лаънати. Палатамизда ётган Мўмин бобо бор-ку, ўша раисни нуқул қарғгани қарған, бечора...

Хидирнинг сўнғи гаплари фикру зикримни бутунлай банд этди. Ўзим ҳам баъзи тўпори, чаламулло раисларнинг урҳо-ур пайтдан фойдаланиб, «ер кенгайтириш» баҳонасида кўплаб мевали дарахтларни пайхон қилганини эшитгандим. Бу бемазагарчиликларнинг тафсилотини яхшироқ билиш учун қулай фурсат пойлаб, Мўмин бобони навбатчилар хонасига сўраттирдим.

МЎМИН БОБОНИНГ ГУРУНГИ

— Хе-е, нимасини сўрайсиз, дўхтиржон болам. Бир пайтлар қишлоғимизнинг исми жисмига монанд — Кўклам эди. Ҳа-ха, бурунги йилларгача шунақа эди, қишлоққа бақамти қирга чиқиб теппадан қарасангиз, дов-дарахтлар, айниқса зардолонинг мўллигидан уйларнинг томи кўринмасди. Ўзиям зардолимисан-зардоли эди-я, жониворлар. Бесабр болакайлар учун савр ойида пишадиган шакарак, кечки пишар паттос, тиллойи, окпишару кўкпишарларигача бор эди. Эшитгандирсиз, Ҳиндистонда Кашмир деган вилоят бор эмиш. Кашмирда ўрик мўл бўлиб, ундан қирқ хил таом тайёрланар эмиш. Шу шифобахш емишлар шарофатидан одамлар юз-юз йигирма йиллаб умр кўришармиш. Бизнинг Кўклам ана ўша Кашмирдан қолишмасди. Зардоли боис бўлса керак, соқоли кўксини тўлдирадиган ёшулдиларимиз анчагина... Айниқса ҳамал ойида — айни ўриклар, олмаю шафтолилар гуллаган чоғлари келсангиз борми, Кўкламнинг олдида жаннати ҳам бир пул дердингиз. Ҳозир у қишлоқнинг Кўклам оти

қолди, холос, қип-қизил яйдоқ, ҳайт деган шамол юқорисидан кириб, қуйисидан чиқади...

Ўша беҳосият кун кечагидай ёдимда, дўхтиржон болам. Бир куни сахар пайтида уйнинг деворларини зириллатиб занжирли трактор ўтиб қолди. Юрагим алланимани сезгандай бежо ҳаприқди. Раисимиз Шойим қийтол-ни танирсиз? Олақўзлигидан уни шунақа дейишарди. Ўша Шойим қийтол кў-ўп баттол чикди-да, дўхтиржон болам. Гулдан чиқиб энди чумчуқтили бўлган ўрикларни, олмаю шафтолиларни ёппасига қийратаётганини эшитган эдим. Нокас ҳатто тўшакда ётган отасининг ялиниб-ёлборишига кулоқ солмай, ўзи муштдайлигидан довуччасини еб катта бўлган қирқ-эллик йиллик зардолиларни битта қўймай қўпориб ташлапти. Жўгидан ботир чикса, аввало ўз чодирини чопармиш, деган нақл шунга ўхшаганларга айтилган бўлса керак-да, болам. Отаси фақир ичига олган эканми, кўп ўтмай омонатни топширди. Ўғлини оқ қилиб, ўлаётганида ёнига йўлатмабди. Ота қарғиши — ўқ, деганлар, болам, ота қарғишини олиш гуноҳи азим. Тирама-га бормай окпадарнинг ўзи ҳам босилиб кетди...

Алқисса, еру осмонни ларзага келтириб ҳалиги трактор ўтгандан кейин, бир нос отим вақт ўтар-ўтмас алланарса қарсиллаб, ерга гурсиллаб урилгани эшитилди. Чопоним-ни елвагай олиб кўчага чиқарканман, нукул бир калима гап калламда айлангани-айланган: «Ўлим тўшагида ётган падари бузрукворининг илтижосини олмаган бу нокас менинг гапимга кулоқ осармиди...»

Отамерос кантак ўрикнинг қулаб ётганини кўриб, ўйим ўй жойида қолди, хаёлим — хаёл жойида. Қарасам, қиё-ғига булғанган жомакор кийиб олган, ҳабашдай қоп-қора Оташ тракторчи булдузури курагини оқпишарга тираб турибди. Жоним ҳалқумимга келиб, ўзимни трактор кура-ги олдига ташладим:

— Хой, нокас, қайт бу феълингдан!

Оташқул тракторининг соғисидан бошини чиқарди-да, салом йўқ-алик йўқ, «ман нима қилай», дегандай елка қисиб, йўл томонга имлади. Пайкас бўлсам, Шойим қий-тол кўнкасининг эшигига суянганича попирис писқити-иб, чатонини кери-иб ўтирибди. Ёнида югурдак бригад бала... Шу десангиз, дўхтиржон, кейинги довурда оғзининг сари-ғи кетмаган балаларни биргадликка, табилчиликка кўта-риш хў-ўп расм бўлди-да. Ярим таноблик томорқасини эплолмаган гўдакларга бутун бошли қишлоқнинг дом-ризқи унадиган пайкалларни ишониб топширишганига ҳайрон қоласан киши. Вале, улар омоч билан бўйинту-

руқнинг фарқига бормаса ҳам, саллани ол деб буюрилса, каллани олиб келади баччағарлар. Ана шуларнинг касофатидан пайкаллар оби тобига келмай ҳайдалавуриб, экилавуриб, ерлар даббалаб, берч бўлиб кетди. Ер ҳам тирик жон, ўз вақтида озикланиши керак, ўз вақтида нафас олиши, ҳордиқ чиқариши керак. Ер оби тобига келдими, ҳар лаҳзани ғанимат бил. Қадимдан қолган бир ривоят бор: шоҳ уламулари билан шикорга кетаётиб, қўш қўшаётган деҳқонга дуч келибди. Деҳқон қора терга ботган ҳўкизларини гаврон билан нуқиб, шунақанги қисталанг ишлаётган эканки, чанги осмонга ўрлаб, ўзи томонга эниб келаётган шикор аҳлини пайқамай қолибди. У шудгорлашни тонг саҳарлаб бошлаган чамаси, бир ярим таноб чиқадиган ерни суриб охирлаёзган экан.

Фуқаросининг чумолидай меҳнаткашлигини кўриб, тантилиги тутган шоҳ деҳқондан бир-икки калом ҳолаҳвол сўрашиб ўтмоқчи бўлибди. Шоҳ саманининг бошини майин қилиб сурилган отиз сари бурибди-да, бирпас деҳқон юмушини томоша қилибди. Буни қарангки, шунча олатасир бўлмасин, деҳқон ишдан бошини кутарай демасмиш. Шоҳ томоқ қириб, у томонга қичқирибди:

— Ассалому алайкум...

Деҳқон бошини ерга солганича ҳўкизларига гаврон уриб, суръатни тезлатибди, сарой аҳлига парво ҳам қилмабди. Шоҳ: «Бирор қулоғи том битган ёки гунг-соқов фуқаро бўлса керак»,— деган хаёлда отининг жоловини ўнглаб, йўлига равона бўлибди.

Деҳқоннинг бунақа нописандлигидан шоҳнинг жоловдори алаmidан тарс ёрилаёзибди. Анча йўл юришганидан сўнгра, риёкор жоловдор мавридини пойлаб, шоҳга писанда қилибди:

— Шаҳаншоҳим, шунча замон тақсиримга жоловдорлик қилиб бунақанги нописандликни асло кўрмаганман.

— Бирор қар ёнким соқовдир,— дебди шоҳ.

— Буни бориб кўрмоқ даркор, шоҳим айтгандай бўлса ҳай-ҳай, йўқса тақсиримнинг шаънига номақбул шиквалар тарқалгай...

Жоловдорнинг ғийбати нишонга тегибди, ғазабланган шоҳ отнинг жоловини ортга бурибди. Бу тасодифдан шикор аҳли лол қолибди.

Энди гапни деҳқондан эшитинг. У икки даст сурилган ерга буғдой уруғини сепаибди-да, устидан кўлнинг юзасидай силлиқ қилиб мола бостирибди. Сўнгра даласи четидagi рошнинг ёмбисига ёнбошлаб, қилган ишидан баҳра олиб ўз-ўзидан мамнун бўлибди. Сўнгра пайкас бўлса, қу-

юндай алламбало у томон якинлашиб келаётган экан. Пешонасига кўз битиб бунақасини кўрмаган деҳқон иккала қўлини кўксига қўйиб, уларга пешвоз чиқибди. Буни кўрган риёкор жиловдорнинг кунни туғиб қолибди. «Темирни иссиғида ур», хаёлидан ўтказибди ўзича.

— Ана, кўрдингизми, шоҳим, боши танасидан жудо бўлишини билиб, олампаҳога пешвоз чиқяпти бу насли паст!

Бу орада қўшчи уларнинг қаршисига келиб, деҳқончасига енгил таъзим билан салом берибди.

Шоҳ унинг саломига алик олмай, ижирғаниб, дебди:

— Ҳо-ой, бандан гофил, айт-чи, бор-йўғи бирон соат олдин ўзим сенга салом берганимда пинагингни бузмадинг, биз сени бирор гунг ёки соков деб гумон этдик. Энди бўлса, ўзинг пешвоз чиқиб салом-алик қиялсан. Билсак, тилу забонинг ҳам жойида экан. Ёинки бошинг танингдан жудо бўлишини билиб, тилёғламалик йўлига ўтдингми?!

— Бошим доим сизнинг пойингизга садақа, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бор ҳақиқатни айтай,— жавоб берибди деҳқон.

— Айт, кечдим! — дебди шоҳ.

— Таксирим дастлаб ўтган паллада ер айни оби тобида эди. Агар мен ҳар ўтган-қайтган билан андармон бўлиб, фурсатни бой берсам, ер оби тобидан қайтиб, ҳосилнинг бир-икки ботмонини қўлдан чиқарган бўлардим. Бу аввало подшоликнинг хазинасига, қолаверса уйдаги қорақўзларнинг ризқига зиён етказарди. Ахир, овулимизда истиқомат қиладиган юз нафар деҳқон хўжалиги бир ботмондан кам ўлпон тўласа, хазинага юз ботмон дон кам тушади.

Деҳқоннинг фаросатига қойил қолган шоҳ бир жуфт қарсақ уриб, кичкирибди:

— Жаллод!

Риёкор жиловдор мамнун бўлиб, шоҳга бурни ерга теккудай эгилиб таъзим бажо келтирибди. Жаллод ҳозир бўлгач, шоҳ буюртирибди:

— Жиловдорнинг бошини ол!

Деҳқон шоҳ қаршисида ер ўпибди:

— Уруғ кирган ер ҳомиладор она билан тенг, она қаршисида фуқаросини қатл этмоқ, шоҳимга жоиз эмас.

Шоҳ деҳқоннинг фаросатига яна бир карра қойил қолиб, унга сарупо кийдирибди, жиловдорни эса унинг ихтиёрига қарол қилиб қолдириб, йўлига равона бўлибди.

Дехқон учун оби тобнинг қадри қиммати ана шунчалик улуғ. Ҳозиргиларга ҳайронсан, тушуниб билмадим бу дунёнинг ишларига. Воқеан, гурунгимизни бошқа томонга бурибман, қарилик курсин. Сўнгра десангиз, чорпой олиб раиснинг қошига бўқдим. У пинагини бузмай, мен билан қўлуни қўришди.

— Ҳа, бобой, нима хизмат,— дейди кофир. Бир вақтлар пирсиёнларни, кофирларни бобой дер эдик.

— Ўғлим,— дедим ялиниб,— бу зардолиларнинг дала-тузингга ҳе-еч бир зиёни йўқ, мевали дарахтни ҳатто ёв чопмаган...

Ғафим бўғзимда қолди, ўшқириб берди оқпадар:

— Эл билан келса — азада байрам, деганлар, бобой. Хабарингиз бор, ўз томорқамдан бошлаганман бу ишни. Шу сабабли дўстингиз раҳматлик бевасият кетди...

Унинг гапи менга, «сен кетсанг — отамдан нари», дегандай туюлди...

— Бобой, ана, қаранг, дарахтларингиз рошда ўсган бўлсаям, жуда-а, тарвақайлаб кетган, бесўнақай, пахта-зорга соя ташлайди. Қолаверса, нимаям қиласиз шу қуримсоқ зардолиларни! Буларнинг ўрнига писта-бодом экинг, лимон экинг, уларнинг бутаси кичкина, отизга соя солмайди.

— У айтган меваларинг бизда битмайди, болам. Майли, мен ҳосилидан кечдим, бокча-мактаблардаги бола-бақралар есаям савоби тегар, тушган даромадини колхоз ҳисобига ўтказакол...

— Ҳамманикини йиқитиб, сизникини қолдирсак жанжал бўлади, бобой. Бола-бақрага бўлса, магазинда узумнинг сўки дейсизми, берёзовой сўк дейсизми — тўлиб-тошиб ётибди.

У шундай деб, тракторчига им қоқди. Оташқул бачча-ғарам худди шуни кутиб тургандай бирин-кетин дарахтларни қулатаверди. Рошга ўтириб қолдим. Ҳар бир зардоли, ҳар бир зардоли — қулоқ етмайди... Қулаган сайин юрагимга бигиз санчилгандай бўлади. Ёноқларимга ёш ўрмалаганини ўзим билмай қолибман, дўхтиржон болам. Қўзим кўрмасин деб, уйга кирдим, бўлмади, барибир зардоли таналарининг қасир-қусури эшитилаверди. Ўрнимга чўзилиб, бошимга кўрпани тортдим, энди заминнинг трактор занжири зарбидан зириллаши ором бермайди. Заминга қўшилиб ўзимнинг баданимгаям титроқ — ваража кирди. Алламаҳалдан сўнг занжир овози тинди, локин манинг қалтироғим узоқ фурсат босилмади. Қўз олдимга

нукул раҳматли отагинам келади денг. Бирам ўқсиб қарайди-ей, бирам ўқсиб қарайди-ей, асли сўраманг. Ахир бу ўрикларни отам раҳматли билан бирга ўтказгандикда. Ўшанда ман, чамаси, ўн-ўн икки ёшлардаман, эл орасида «амир қочди, амир қочди» деган гаплар юрган давр эди. Ана шу қўлларим билан икки-уч йил Тайқир ариғи рошига ўтказилган ўша ниҳолларни парвариш қилганман, мол-ҳол пўстини шилиб кетмасин деб атрофини жангал билан боғлаганман... Ҳе-е, дўхтиржон болам, яна ҳаёл олиб кетибди. «Раҳми келиб бир-иккитасини қолдириб кетган бўлса-я», деган ҳаёлда хомтама бўлиб, ташқарига судралдим. Дарвозага етганимда бутунлай мадорим қуриди, кесакига суяндим-да, амаллаб қаддимни ростладим. Пастак деворнинг устидан қарасам, биронтасини қолдирмабди нокаслар. Дарвоза кесақисининг ёнига қулабман. Беш йил фронтда бўлиб, душман ўқи қулатолмаганди, дўхтиржон болам, булар ўқсиз қулатти мани... Умрим поёнига етгандай кўринди кўзларимга, шу-шу, бошим касалдан чикмайди...

Ҳақ борақан, болам, тирамага бориб ўзиям босилиб кетди. Пирписками, яна алламбало қилган эмиш. Кейинги йилнинг айна баҳорида, айна зардолилар чумчуктумшук бўлганида қишлоғимизга шум хабар келди:

«...Раис турмада ўзини осган эмиш, оёқ-қўлларининг пайларигача кесиб, сўнгра беришибди. Боши билан қорни жуводиз билан сардўзда коп-қанорни тиккандай, чандиб тикилган эмиш...»

Таъзияга қўплар бормади, лекин ман бордим. Жаназа ўқилмади, ўз жонига қасд қилганга жаназа буюрмайди. Тобутни ўзининг уч-тўртта хеш-ақробосидан бўлак ҳеч ким кўтармайди денг. Юрагим эзилди, ҳассага суяниб бориб, тобутнинг бир учидан тутдим, ҳаял ўтмай тобут қўлма-қўл бўлиб кетди.

Ҳа, баччағар-а, халқ унинг ҳамма гуноҳини ўтинч қилса қилару, локин мевали дарахтлар уволи уни ўтинч қилармикин? Манимча қилмаса керак, дўзах азобини тортиши тайин. Бола-бақра, етим-есирларнинг насибаси эди ахир у зардолилар. Ўша нокасга ўхшаганлар касридан бозорда авваллари тийин турадиган ғўлин ҳозир тўрт-беш сўмга чиқиб кетган...

Шу-шу, ўзимнинг ҳам юрагим хасталаниб, ёрти бўлиб қолдим. Йиқилган зардолилар ўрнига эккан кўчатларим шу йил гулга кирди, шуларни кўриб, юрагим сал таскин топгандай бўлди, дўхтиржон болам...

— ...Ёз ойларига келиб, иш қизигандан қизиб кетди. Гоҳ у-бу колхоздан идорамизга устма-уст кўнғироқ қоқишиб, пахта пайкалларида кўсак қурти пайдо бўлганини хабар қилишар, шошилинч ёрдам юборишни ялиниб-ёлбориб сўрашарди. Бошлиғимиз запти занамига олиб, яроқли-ю, яроксиз барча тракторларни далага олиб чиқишни буюрди. Энди навбат «Фазалон» деган заҳарга келганди. Вой-ву-у, бу дорининг кучлилигини кўрсангиз! Ўзи, аслида ҳар тонна сувга бор-йўғи бир литр солиш лозим, шундаям сув жонивор худди сутдай оқариб кетади. Ҳиссамизга ажратилган заҳарни тезроқ сарфлаш учун меъёридан икки-уч баробар кўпроқ аралаштириб юборган кезларимиз кўп бўлган. Қим кўриб ўтирибди дейсиз?

Бир гал денг... Саратоннинг жазирамаси олов пуркайди. Катта ариқ бўйидаги улкан октол тагида тушликдан сўнг истироҳат қилиб ўтирибмиз. Шунда бўйи дароз, қоқчаккадан келган қотма бир киши ёнимизга челақ кўтариб келди. Гап-сўзидан пайқасак, у киши қовун қоровули экан. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг, эланишга тушди. Ишлатаётган доримиздан «бир-икки челақкина» беришимизни ўтиниб сўради. Қоровулнинг гапига қараганда қовунлар айни лабширин бўла бошлаганида пайкалга ширинча деган зараркунанда оралаб қолибди, агар ҳозирдан унинг олди олинмаса, ҳосил кунпаякун бўлармиш, бултур шу хил доридан ишлатиб ҳосилни сақлаб қолган эмиш...

Қоровул сўзини тугатиб, бизларга илтижоли боқаркан, челагига тикиб қўйилган қопча тагидан иккита чархзоми¹ олиб, «бу сизларга» дегандай чеккага суриб қўйди. Ростини айтсам, чархзомиларни кўриб оғзимдан сўлак оқиб кетди. Бир томондан одамгарчилик, иккинчи томондан бу йил ҳисобига ҳали тиш тегмаган бояги иккита чархзоми... Алкисса, суюлтирилган фазалондан икки челагини иккита чархзоми эвазига бор барака қилиб юбордик.

Энди ўтириб танамга бундо-оқ ўйлаб боксам, ўшанда билиб-билмай катта гуноҳ иш қилиб қўйган эканман. Челақ кўтарган қоровулнинг бир чангал юлғун хивчинни ушлаганича қовун палакларига ҳалиги доридан намреза бераётгани ҳали-бери кўз олдимдан нари кетмайди. Ўша даврга келиб, ўзимнинг ҳам бошим айланиб, кўзим тина-

¹ Ч а р х з о м и — ҳандалакнинг бир тури.

диган, онда-сонда кўнглим айниб, ўкчийдиган бўлиб қол-
гандим. Кузга бориб лоҳаслик сездим, иштаҳа йўқолиб,
мадорим кетди. У-бу, «кўзингнинг оқи сарғайибди» деган-
нидан кейин дўхтирга учрадим. Сарик бўлган эканман,
юкумли касалликлар бўлмасига ётқизишди. Сал ўтмай
тирноқларимгача заъфарондай сарғайиб кетдим...

Гурунгимиз сўнгида Хидирнинг палатасидан қайтиб,
шалок диванга чўзилар эканман, бошимни алғов-далғов
фикрлар чулғаб олди. Сўнг, дўхтир бўлиб ишга келган
дастлабки йилдаги кўнгилсиз воқеа тинчлик бермай, кўз
олдимдан худди кинодагидай лип-лип ўта бошлади.

ВОКЕА

...Ўшанда институтни битириб, ишга келганимга ҳали
йил тўлмаган, ҳамма нарса қизиқарли, бир оз сеҳрли ҳам
туюлар эди. Гужурим ичимга сиғмайди, ишлаб чарчамай-
ман.

Шундай кунларнинг бирида бош врач ҳузурига сў-
раттириб қолди. Чекка қишлоқлардан бирида жойлашган
участка касалхонасининг бош врачлари бир йўла икки йил-
лик таътилини олиб, ўрни бўш қолибди. У пайтлар дўх-
тирман дегани анқонинг уруғи, икки-уч йиллаб таътилсиз,
ойлаб ҳордиқ чиқариш кунларисиз ишлашга тўғри келар-
ди. Шу машаққатли меҳнат эвазига ҳурмат-эътиборимиз
жойида эди, ҳозирги пайтдагига ўхшаб, халқ дўхтирларга
боёнларга қарагандай ола кўз билан қарамасди...

Ҳаё-ҳуй дея район марказидан ўттиз чақиримча олис-
даги участка касалхонасига бош врач вазифасини бажар-
увчи бўлиб ишга жўнадим. Келиб билсам, бош врач ҳам,
кичик врач ҳам ўзим эканман. Бутун бошли касалхонада
хўжалик ишларини юргизувчи завхоз, бир фельдшер, ик-
ки ҳамшира ва «қўмондон» лақабли фаррош кампиру
ўттизга яқин бемордан бўлак бирор зот йўқ. Кампиршо
дуч келган одамга фармонбардорлик этаверганидан унга
шунақа лақаб қўйишибди. Қўмондонмомо деб чақирсан-
гиз, кампиршонинг ўзигаям сариёғдай ёқиб тушарди ча-
маси, зум ўтмай қаршингизда пайдо бўлар, айтганла-
рингизни югургилаб бажарар эди. Шу тариқа ишга кири-
шиб кетдим.

Бир куни қитирлатиб касаллик варақаларини тўлғиза-
ётган эдим, касалхона ҳовлисига аравабини шалдиратиб
пат-пати трактор елдиришдай кириб келди. Тракторчи
юррак ютиб касалхона ҳовлисига жадал кирдим, бу яхши-

лик даракчиси эмас — бирор кор-хол юз берган деяверинг. Кўнглим ноҳушликни сезиб, деразадан ҳовли сахнига қарасам, пичан ортилган арава устида турт-беш бўйи етиб қолган колхозчи киз чўзилиб ётибди. Эшитгичимни бўйнимга осганимча ташқарига отилдим. Қизлардан икитасининг аҳволи айниқса таҳликали эди. Улар тинимсиз ўқчишарди, ранг-рўйи докадек оқариб кетган, аъзою бада-нини муздай совуқ тер қоплаган. Беморларни келтирган тракторчи йигитнинг гапига қараганда, қизлар тонг саҳардан буён кўсак қурти пайдо бўлган пахта пайкалида қўл билан челақлаб ҳашаротларга қарши бурга дори сепишган. Қилт этган шамол йўқ, ҳаво ниҳоятда дим эди. Тушликка яқин улар шу аҳволга тушишибди, қолганлари лоҳас бўлиб уй-уйига тарқалишибди...

Икки оғир беморни зудлик билан касалхонага ётқизиб, ошқозонларини содали илиқ сувда ювдим, сўнгра бошқа зарур муолажаларда ҳамширага кўмаклашдим. Кейин, қолган уччала заҳарланган кизга ҳапдорилардан ичириб, тегишли маслаҳат бериб, уйига жўнатдим.

Буни қарангки, ўшанда «тажрибасизлик» қилиб, касаллик тарихига таҳликали воқеани қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича ёзиб қўя қолибман. Ўткир заҳарланиш ҳолларида албатта санитария-эпидемиология станциясига шошилиш хабар етказиш шарт. Шундай қилдим ҳам.

Эртасига эрталаб касалхона ҳовлисига яп-янги «тез ёрдам» машинаси шашт билан кириб келди-да, ғийқиллаб тормозланди. Ундан сакраб тушган пакана бўйли, хўппа семизлигидан коптокдай дум-думалоқ санэпидстанция бошлиғига пешвоз чикдим. Унинг оқ оралай бошлаган бароқ қошлари чимирилиб, каншарида нўхотдай тугунча ҳосил бўлганидан, важоҳати бузуклиги шундайгина юзига тепчиб турибди. Мен билан истар-истамас, қўл учида кўришди-да, «орқамдан юр» дегандай им қоқиб, бош врач хонасига йўл олди. Дадил юриб боришидан, касалхонанинг ҳар ивирсиган бурчаги борки, унга беш қўлдай танишлиги менга кундай аён бўлди. Бошлиқ йўл-йўлакай пана-пастқамларга эгилиб қарар, кир ахтариб, дераза-эшикларнинг ромларини, ўтиргичларнинг кирраларини кўрсаткич бармоғининг учи билан чизиб кўрар, бармоғига сал-пал гард юкса менга еб қўйгудай бўлиб ўқрайиб қўяр эди. У хонага кирар-кирмас бақириб берди:

— Сан бола нималар қилиб қўйганингни биласанми узи? Келмай туриб йўл кесдинг-ку!

Тилим калимага келмай, ҳайратдан лол бўлиб қолдим.